



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқи бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 143 (13.740)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАЛАЙЗИЯНИНГ ЕТАКЧИ ТЕЛЕКАНАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА МАХСУС ДАСТУР

*Мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонаси Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Яқинда элчихонамиз ташаббуси ва кўмаги билан Малайзиянинг етакчи давлат телеканалларидан бири – "TV Alhijrah"нинг тонги дастурида Ўзбекистон ҳақида лавҳа эфирга узатилди.*

Телеканалнинг асосий мақсади Малайзияда ва хориҳада ислом маданияти ва қадрияларни тарғиб килиш ва ривожлантиришдан иборат. Унинг томошабинлари 2,5 миллион, онлайн обуначилари эса 10 миллион кишини ташкил қиласди.

"Ассалому алайкум" дастури энг машҳур тонги шоулардан бўлиб, ўртача 1 миллион томошабин кўради.

Лавҳа давомиди бошловчи томошабинларни Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги тарихий-маданий ёдгорликлар ва диккатга сазовор жойлар, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Накшбанди каби ислом дини шаклланиши ва ривожланшига улкан хисса кўшган буюк алломаларимиз фаолияти билан таништириди.

Яқунда телеканал Ўзбекистон элчихонаси томонидан тақдим қилин-

ган мамлакатимизнинг турли минтақалари сайёхлик салоҳиятига багишланган "Бухорога хуш келибсиз!", "Хоразмни кўриш учун келинг" видеороликилари хамда ўзбек миллий таомлари лавҳаларини намойиш этди.

Ўзбекистон ҳақида мазкур репортаж малайзияликларда катта кизикиш ўйғотди. Малайзиянинг Мануқан ва Сали, Реданг ва Перхентиан каби энг чекка ороллари аҳолиси ҳам мамлакатимиз ҳақида маълумлардан боҳабар бўлди.

"TV Alhijrah" раҳбарияти дастур муваффақиятли чиққани ва малайзияликларнинг Ўзбекистонга қизикиши ортиб бораётганини иносбатга олиб, юртимизнинг зиёрат туризми объектлари ва боша диккатга сазовор жойлари ҳақида бир қанча дастур ва видеолавҳалар тайёрлашни режалаштиришади.

Яқунда телеканал Ўзбекистон эл-

(ЎЗА)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## БИТИРУВЧИ ҲАРБИЙЛАР ТАНТАНАЛИ КУЗАТИЛДИ

**Қуролли Кучлар академиясида  
Қўмондонлик штаб факультети  
тингловчиларининг навбатдаги  
битирув маросими бўлиб ўтди.**

Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкиллари вакиллари, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши азольари, битирувчилар ва уларнинг оила азольари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда барча бўйиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малака-

сини ошириш, уларнинг интеллектуал савијасини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлашнинг мумкаммал тизими яратилгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда 45 нафар битирувчига диплом ва кўкраб нишонлари тантана топширилди. Таълим жараёнда юқори натижаларга эришган бир гурӯҳ битирувчилар Мудофаа вазирининг фахрий ёрлиги ва эслалик сўвалари билан тақдирланди.

– Икки йил давомиди соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ўрганган ҳолда кўшилнларни

бошқариш, оператив ва жанговар тайёргарликка оид тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш бўйича таҳрибаларимизни оширидик, – дейди Академия битирувчиси И.Мирзабазов. – Бу жараёнда бизга ҳарбий фанлар сирларини ўргатган узост офицерлар, профессор-ўқитувчиларга ўз миннатдорчилигини билдираман. Ота-онам, оиласада гилар бугунги ютуқларимдан курсанд бўди. Эндилидаги Ватанимиз тинчлигини саклаш учун янада шижот билан хизмат қилишга, бор куч ва билимимни амалиётда кўрсанда ҳаракат қилимади.

Тантанали маросимда масъул лавозимларга тайинланган офицерларга самимий тилаклар билдирилди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандадири томонидан тайёрланган концерт дастури барчага кўтарикин кайфият бағишилади.

(ЎЗА)

## ШАҲАР ҲӨКИМЛИГИДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

### УНДА ТАДБИРКОРЛАР ТАШАББУСИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

**Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг Тошкент шаҳри ҳам янги қиёфа касб этмоқда. Пойтахтда ободонлик, кенг миқёсли қурилиш ишлари жадал тус олган. Бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшиш истагида бўлган тадбиркорлар, хорижлик инвесторлар ҳам бор. Уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш эса муҳим вазифа саналади.**

Кулоктепа кўчасидаги З-йининг олдида курилиши режалаштирилган замонавий лойиҳанинг қиймати 450 минг АҚШ долларини ташкил этди. Хозирда курилиш ишларининг 80 фоизи якунга етган, 40 сотих майдонда жойлашган боф ландшафти ўзига хос бўлиши кутилмоқда. Бодга 15 га яқин аттрацион, фаворорал, бор бўйи билан ёниб турувчи 40 нанодарахт ва 1,5 минг сунъий атиргул бўлаади.

– Курилмаларнинг барчасини Хитойдан олиб келдик. Лекин улар давлатимиз божхонасида туриб қолди, – дейди С.Рахмонов. – Давлат божи жуда кимматлик қилимади. Бугунги учрашувда Тошкент шаҳар ҳоказимидан шу масалада ёрдам бериншини сўрадик. Болалар учун барпо қилаётган боғимизга мўлжалланган курилмаларни олиб киришда божхона имтиёзи кўлланилишидан умидвормиз.

“Очиқ эшиклар куни” таддирни якуни бўйича шаҳар ҳоказимиги томонидан тегишилар көбүреклар қабул қилиниши режалаштирилган.

Улугбек АСРОРОВ

## "THE INDEPENDENT":

### ЎЗБЕКИСТОНГА САФАР ҚИЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Ўзбекистонга келиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун электрон виза бериш тизими жорий қилингани олқишилар билан қабул қилинмоқда.

Хусусан, яқинда Буюк Британиянинг "The Independent" газетасидан ушбу мавзуга доир мақола чоп этилди. Унда таъвидланнишича, мазкур қадам хорижий давлатлардан келаётган сайдхлар оқимини кўйтаришади.

Крайд этилича, ўрнатилган янги тартибга кўра, дунёнинг 51 мамлакати, шу жумладан, Буюк Британия фуқаролари учун электрон визаны расмийлаштириш имкони пайдо бўлди. Бундан ташкири, Ўзбекистон орқали учичи давлатга саёҳат қиливчи 101 мамлакат вакиллари учун визасиз транзит тизими жорий қилинган, 16 ёшгача бўлган болалар учун эса визасиз кириш имконияти яратилган.

Нашрда; шунингдек, Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтдан эътиборан мамлакатга кириш талаб-

ларни факат энди енгиллаштирилганни таъвидланади.

“Денгизга чиқиши имкониятига эга бўлмаган давлат сифатида Ўзбекистон ЮНЕСКО Бутунжоҳон мерослалири рўйтиагига кирилган Буюк Ипак йўлининг учта жуда муҳим шаҳри: Самарқанд, Бухоро ва Хива билан фарҳанса аризиди. Республиканинг барча худудлари ноёб керамика пилтлари билан безалган қадимий масжидлар, Тож-Махал бунёдкорларини илхомлантирган мақбараалар ҳамда замонавий иншотлар жойлашган”, – деб ёзди “The Independent”.

Шу тарзда Британия нашри Ўзбекистонда туризм учун мавжуд кенг имкониятлар ҳамда тегишил инфраструктураларни яхшилинини кайд этган ҳолда ўз газетхонларига “тарихий мамлакатга” сафар килиши режасини тушиш вақти келганини алоҳида таъвидланади.

– Максадимиз пойтахтимизни янада ривожлантириш, замонавий бино ва иншоотлар кириш, инфратузилмани яхшилаш, аҳолининг яшаши ва дам олиши учун қуай муҳит яратиш, – деди

ўзА мұхбирига Ж.Ортиқўжаев. – Бу жараён инвестицияларни жалб қилиш орқали тезорқ амалга ошиди. Бу борада тадбиркорлар билан ҳамкорликка тайёрмиз.

Тадбирда маҳаллий тадбиркорлар билан ёнма-ён Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Россия каби давлатлардан келган инвесторлар ҳам иштирок этиб, лойиҳаси юзасидан кўргазмали маълумотларни тақдим этиди. Шаҳар ҳоказимиги мутасаддилари энг яхши ва истиқболи лойиҳаларни қўллаб-қувватлашни билдири.

– Компаниямиз тиббий прера паратлар, ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Маҳсулотларимиз дунё миқёсида харидорлар ҳисобланади, – деди

"New World Med" компанияси

буш директори Ким Кенг Жун (Жанубий Корея). – Ўзбекистонда фолият юритаётганимизга 4 йил бўлди. Бугун мамлакатда бунёдкорлик ишлари авжиди, янги иншоотлар, ўйлар курилмоқда. Шу боис биз бу жараёнда жуда муҳим – ёнгинга қарши кўлланиладиган ускуналар ва маҳсус кийимларни тақдим этишини режалаштиридик.

Тадбиркорлар ҳам бори курилмоқда. Бугунги учрашувда Тошкент шаҳар ҳоказимидан шу масалада ёрдам бериншини сўрадик. Болалар учун барпо қилаётган боғимизга мўлжалланган курилмаларни олиб киришда божхона имтиёзи кўлланилишидан умидвормиз.

Тадбирда ёш тадбиркор Сардор Раҳмонов "BILLUR BOLALAR BOG'" лойиҳасини тақдим этиди. Юнусобод тумани, 4-мавзе,

лар. Улар мухлислар учун маҳорат дарсларини ҳам ўтказиши.

• Нигериянинг шимолий-шарқида жойлашган назорат ўтказиш пунктига "Боко Харам" экстремистик гурӯҳи жангарила-рининг хужуми натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Гарбий Гренландиянинг кичик оролида қиши жуда узун ва қоронгу ўтади. Бу пайтда одамлар муз катламини ёриб балиқ овлаш билан машғул бўлишиади. Оролнинг гарбий қисмидаги истиқомат қиливчи 50 га яқин хонадонни 11 миллион тонналик айсберг ташкил дунёдан узиб кўйди. Худудда истиқомат қилаётган 170 кишининг барчаси бу ҳолат ижобий якунланишидан умид қилияти. Дания метеорологик институтининг маълумот берисича, айсбергнинг сув тубида турган қисмининг баландлиги қарийб 100 метрни ташкил қиласди.

**XXI сафоси**  
Барча манбалардан олинган сўнгги жабарлар



**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Фарғона вилояти Ёзёвон туманинг марказидаги маданият ва истироҳат боғида “Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрамига багишиланган халқ саёли бўлиб ўтди. Тадбир доирасида меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, унда 182 корхона ва ташкилот 421 бўш иш ўрни билан қатнашди. 1000 га яқин ярмарка иштирокчисининг 293 нафари шу

ернинг ўзида ишли бўлгани эътиборга мөлк.

• Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ўтказилаётган “Бағрикенг Ўзбекистон” ёшлар фестивалининг Наманган вилоятини босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 270 дан зиёд ёшлар иншо, шеърият, тасвирий ва фотосанъат ҳамда турли миллат ва злат вакиларининг миллӣ ракслари бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

• Сурхондарё вилояти Олтинсой туманинага Катта Вахшивор кишилогида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳоказимлиги ҳамкорлигига ташкил этилган баҳши-шоирлар, оқин ва жировларнинг республика фестивали бўлиб ўтди.

• Нурафшон шаҳрида “Адолатли қайнона” кўрик-тандловининг Тошкент вило-

яти босқичи ўтказилди. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ибратли қайноналар ҳаётий тажрибасини оммалаштириш максадида ташкил этилган беллашувда худудий босқичлардағо либобўлган 8 қайнона ижтимоий-сиёсий билими, қайнона-келин муносабатларида адолат устуворлиги ва турмушнинг мураккаб вазиятларидан оқилона чиқиб кетиш бўйича маҳоратини намойиш этди.

• Польшада





